

РАЁСАТ

RAYOSAT

ҚАРОРИ
QARORI

2013 йил 26 январь

Тошкент ш.
Toshkent sh.

9 – 12

№ _____

**Касаба уюшмалари ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари кенгашлари
аппаратларининг тузилмалари ва Федерация тизимидаги касаба
уюшмалари органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш
разрядларини тасдиқлаш тўғрисида**

Касаба уюшмалари органларида амалга оширилаётган такомиллаштириш ишлари натижаларида уларнинг фаолиятлари самарадорлигини ошириш, касаба уюшмалари Марказий, ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, соҳалар бўйича Республика бирлашган кўмиталарининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларини йўлга қўйиш, уларнинг тузилмалари ва штат бирликларини мувофиқлаштириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг аппаратлари тузилмалари ва лавозимлар бўйича штатлар бирликлари 1/1-1/14-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Федерация тизимидаги касаба уюшмалари органлари аппарат ходимларининг лавозим ойлик маошларини белгилаш учун Меҳнатга ҳақ тўлаш “Ягона тариф сеткаси”нинг разрядлари 2/1-2/4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Касаба уюшма ташкилотлари Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари раисларига:

Федерацияга аъзо ташкилотлар томонидан аппарат ходимларининг лавозим ойлик маошларини белгилашда мазкур қарорнинг 2/1-2/4-иловалари билан тасдиқланган разрядларга қатъий амал қилинишини таъминлаш;

штатлар жадвалига белгиланган лавозимлардан ортиқча лавозимлар киритилишига йўл қўймаслик;

ишга янги қабул қилинаётган ходимларни мутахассислиги Федерация Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 27 июль “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида асосий лавозимлар ва касбларни таснифлаш тўғрисида”ги 7-8-сонли қарори билан тасдиқланган лавозимларга тўғри келишини қатъий тартибда назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Гармоқ касаба уюшма ташкилотлари Марказий кенгашлари раислари соҳалар бўйича Республика бирлашган кўмиталарининг штатлар жадвали бўйича ҳар бир лавозимга Федерация Кенгаши билан келишган ҳолда иқтидорли, етук, малакали ходимларни танлов асосида ишга қабул қилинишини таъминласин.

05 02 2013
69

4. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси (А.Исаков)дан Федерацияга аъзо ташкилотлар томонидан тегишли ташкилотларнинг аппарат ходимларига иш туловларини ҳисоблашда мазкур қарор билан тасдиқланган Меҳнатга ҳақ тўлаш “Ягона тариф сеткаси” разрядлари амал қилинишини назорат қилиш сўралсин.

5. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши молия бўлими (Ж.Ҳамзаев) Федерацияга аъзо ва Федерация Кенгаши тасарруфидаги ташкилотларга штатлар жадвалларини тузиш, улар бўйича иш ҳақи туловларини ҳисоблаш, қасаба уюшмалари органларида Меҳнатга ҳақ тўлаш “Ягона тариф сеткаси” разрядларининг коэффицентларидан тўғри фойдаланиш масалаларида тушунтиришлар бериб борсин.

6. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қуйидаги қарорлари жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб:

2011 йил 27 апрель “Қасаба уюшма органлари тузилмаси ва штатлар жадвалини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-7-сонли;

2011 йил 09 декабрь “Қасаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида”ги 5-22 “о” сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси


Т.Нарбаева

Наманган вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари аппаратларининг штатлари ва тузилмаси



Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши Раёсатининг
2013 йил “26” январдаги 9-12 сонли
қарорига 2/1-илова

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари аппарат ходимларига иш ҳақи тўлаш учун гуруҳлар буйича белгиланган тариф разрядлари

№	Лавозимлар номи	Гуруҳдан ташқари	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
1	Раис	18	18	17	16
2	Раис ўринбосари	17	17	16	15
3	Бўлим мудирлари	15	14	13	12
4	Етакчи мутахассис	13	12	11	10
5	Етакчи юрисконсулт	13	12	11	10
6	Ишлар бошқарувчиси	15	14	13	12
7	Референт	8	7	6	6
8	Енгил автомобиль ҳайдовчиси	4	4	3	3
9	Электрик, сантехник	3	3	3	3
10	Қоровул, хизмат хоналари фарроши	1	1	1	1

Изоҳ: Гуруҳдан ташқари – Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри;
1-гуруҳ – Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари;
2-гуруҳ – Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари;
3-гуруҳ – Жиззах, Сирдарё вилоятлари.

РАЁСАТ

RAYOSAT

ҚАРОРИ
QARORI

Тошкент ш.
Toshkent sh.

2014 йил 19 апрель

№ 16 – 20

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-12 сонли “Касаба уюшмалари ташкилотлари худудий бирлашмалари кенгашлари аппаратларининг тузилмалари ва Федерация тизимидаги касаба уюшмалари органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Республикамизнинг барча тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда электрон ахборот ва ҳужжат айланиш тизимига тўлиқ ўтиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Электрон ахборот ва ҳужжат айланиш тизимини Федерацияга аъзо ва тасарруфдаги ташкилотларда жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида, касаба уюшмалари Федерацияси тизимида фаолиятни ва тузилмани такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар, касаба уюшмалари ташкилотлари ва Федерация Кенгаши компьютерлаштириш бўлимининг таклифларини инobatга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини ва тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 14-1 сонли қарорига асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

касаба уюшмалари Марказий кенгашларининг ҳудуд бўйича масъул ташкилотчиларига хизмат кўрсатаётган ҳайдовчиларни тегишли касаба уюшмалари худудий бирлашмалари кенгашларининг штатлар жадвалларига ўтказиш ҳақидаги;

касаба уюшмалари ташкилотлари худудий бирлашмалари кенгашлари ва Федерация Кенгаши компьютерлаштириш бўлимининг бирлашмалар кенгашлари штатлар жадвалларига компьютерлаштириш, ахборот технологиялари ва веб-сайт билан ишлаш бўйича битта штат бирлигини киритиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг штатлар жадвалига жорий йилнинг 1 майдан Федерация Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-12 сонли қарорининг 1/1-1/14-иловаларидаги ишлар бошқармасига бешта “Енгил автомобиль ҳайдовчиси”, 1 июлидан ташкилий ишлар бўлимига битта “Бош мутахассис” штат бирликлари ҳамда 2/1-иловасига “Бош мутахассис” лавозими киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг иккинчи бандида қайд этилган “Бош мутахассис” лавозимининг ойлик маоши:

“гуруҳдан ташқари” тоифасига киритилган ҳудудий бирлашмалар кенгашларида Меҳнатга ҳақ тўлаш “Ягона тариф сеткаси”нинг 14-разряди;

“1-гуруҳ” тоифасига киритилган ҳудудий бирлашмалар кенгашларида Меҳнатга ҳақ тўлаш “Ягона тариф сеткаси”нинг 13-разряди;

“2-гуруҳ” тоифасига киритилган ҳудудий бирлашмалар кенгашларида Меҳнатга ҳақ тўлаш “Ягона тариф сеткаси”нинг 12-разряди;

“3-гуруҳ” тоифасига киритилган ҳудудий бирлашмалар кенгашларида Меҳнатга ҳақ тўлаш “Ягона тариф сеткаси”нинг 11-разряди бўйича тўланиши белгилаб қўйилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари раисларига:

янги жорий этилган “Бош мутахассис” лавозимига номзодларни Федерация Кенгашининг компьютерлаштириш бўлими билан келишилган ҳолда ишга қабул қилинишини таъминлаш;

ҳодимларнинг функционал вазифаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, унда “Бош мутахассис”га асосан компьютерлаштириш, ахборот технологиялари, веб-сайтлар билан ишлашни кўрсатиб ўтиш;

штатлар жадвалига белгиланган лавозимлардан ортиқча лавозимлар киритилишига йўл қўймаслик;

ишга янги қабул қилинаётган ходимни мутахассислиги Федерация Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 27 июль “Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимида асосий лавозимлар ва касбларни таснифлаш тўғрисида”ги 7-8 сонли қарори билан тасдиқланган лавозимларга тўғри келишини қатъий тартибда назорат қилиш;

мазкур қарорга мувофиқ бирлашма кенгашининг штатлар жадвалига тегишли ўзгартириш киритиш ва ушбу қарорнинг 3-бандига қатъий амал қилинишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши компьютерлаштириш бўлими (З.Набиев) ҳудудий қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари томонидан тақдим этилган номзодларни малака даражасини ўрганиш, улар тўғрисида тегишли бирлашмалар кенгашларига тавсиялар бериш ва ишга қабул қилинган ходимларнинг малакасини ошириш бўйича ўқувлар ташкил этиш вазифалари топширилсин.

6. Жорий йилнинг 1 майдан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-12 сонли қарорининг:

2/2-иловасидаги “Марказий” сўзлари “Республика” сўзлари билан алмаштирилсин;

2/2-иловасидаги “Иш юритувчи”, Марказий кенгашнинг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчиларига бириктирилган “Енгил автомобиль ҳайдовчиси” лавозимлари ҳамда 2/3-иловаси бекор қилинсин.


7. Касаба уюшмалари Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари раисларига:

штатлар жадвалидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касаба уюшма бюджети бўйича 2014 йил учун тузилган даромадлар ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларини **жорий йилнинг 24 апрелигача** Федерация Кенгашига тақдим этиш вазифалари топширилсин.

8. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши моливи бўлими (Ж.Ҳамзаев) касаба уюшмалари Марказий, ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари томонидан тақдим этилган таклифларни таҳлил қилган ҳолда, уларнинг ҳамда Федерация Кенгашининг даромадлар ва харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш тўғрисида Федерация Кенгаши Раёсатига маълумот киритилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси

 Т.Нарбаева